

“Андижон монтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “MIMAX - ROAD” МЧЖ ўртасида лойха-смета ишларини бажариш учун тузилган

## ШАРТНОМА № Л-2022-321

Андижон шаҳри.

“18” ноябрь 2022 йил.

“Андижон монтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг харид комиссиясининг 2022-йил 14-ноябр кунги №-180074-сонли йигилиш баённомасига асосан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Андижон монтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Г.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “MIMAX - ROAD” МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари С.Закирова иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1.“Буюртмачи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Избосан тумани Чекёр МФЙ** ички кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатлари ишларинилойиха-смета хужжатларини ишлаб-чикиш ишларини топширади. “Бажарувчи” бажариш маҷбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га бажарилган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблагни тўловини амалга ошириш маҷбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши дозим бўлган ишлар киймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **5 150 000** (Беш миллион бир юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланниб молиялаштириладиган маблағи аниклангандан сўнг тегишли Фазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий максадли жамғармаси”дан “Буюртмачи”нинг маҳсус хисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ишлар кийматининг 30% аванс тарикасида келишилган сумма “Бажарувчи”нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг колган қисми “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий максадли жамғармаси”дан “Буюртмачи”нинг маҳсус хисоб ракамига келиб тушганидан сўнг, “Бажарувчи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “Бажарувчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, кабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар белгиланган муддатда “Буюртмачи”га топширилиши шарт хисобланади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### “Бажарувчи”нинг маҷбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова килинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш хамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га лойиха-смета хужжатларини топширилишига ўзаро тузилган далолатнома ва хисоб-варак асос бўлади.

3.3. “Бажарувчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда лойиха-смета хужжатларини топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради. “Бажарувчи” “Буюртмачи” олдида ёрдамчи пудратчи ўз маҷбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун хам жавобгар бўлади. “Буюртмачи” “Бажарувчи” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлик талабларни ёрдамчи пудратчиларга кўймайди.

учун хам жавобгар бўлади. “Буюртмачи” “Бажарувчи” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга кўймайди.

3.4.“Бажарувчи” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Бажарувчи” тегишли тузатишларни ўз хисобидан амалга оширади.

3.5.“Бажарувчи” шартномада бўйича ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бажарилган лойиха-смета хужжатларига таянга ҳолда “Пудратчи” зарар кўрса ўз хисобидан қайтадан бажаради хамда пудратчининг зарарини тўлаб беради.

#### **“Бажарувчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.6.Бажарип бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажарип топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда хисоб-китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажарип берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

#### **“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.7. Тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.8. Бажариладиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажарип топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда хисоб китоб қилиш.

#### **“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.9.“Бажарувчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.10.Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.11.“Бажарувчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.12.Агар “Бажарувчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган обьектни “Буюртмачи”га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

## **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2.“Бажарувчи” ишларни ўз вактида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняning суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3.Аниқланган камчилик ва нуксонлар “Бажарувчи” томонидан ўз вактида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

4.4.Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вактида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5.Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган заарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6.Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Конунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

## **V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиди бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2.“Бажарувчи”нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “пудратчи”да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиккан тақдирда “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Конун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 5 (беш) кунни ташкил этади.

7.3. Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Буюртмачи”нинг маҳсус хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусҳаси ҳам хукуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БЮОРТМАЧИ”

Андижон минтакавий йулларга  
буюртмачи хизмати давлат унитар  
корхонаси  
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-үй.  
Тел/факс:(99874) 227-66-36, 226-88-90  
ш/х: 301821860030001045204118086  
СТИР:304917491 ОКОНХ: 42110  
Уз. Р .Молия Вазирлиги Фазначилиги  
Фазна х/в 23402000300100001010  
Банк номи: МББХ ХККМ МФО:00014  
Фазначилик булинмаси СТИР:201122919

Директор :  Т. Мирзаев




### “БАЖАРУВЧИ”

“MIMAX - ROAD” маъсуляти  
чекланган жамияти  
Андижон шахри Махжурий кўчаси 27-үй  
Телефон: (+99899) 099 6888  
Х/р: 2020 8000 8009 9958 2001  
Асака Банк Андижон вилоят бўлими  
МФО: 00069 ИНН: 306 098 110  
ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110



С. Закирова

Бош юрисконсульт:  Ш. Садиров

